



М.Е.МАССОН



ХҲҶА АҲМАД ЯССАВИЙ
МАҚБАРАСИ

«Фан»



М.Е.МАССОН

**ХЎЖА АҲМАД ЯССАВИЙ
МАҚБАРАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент - 2018

УДК 94 (575)
ББК85.11(5Ў)
М-30

Ушбу рисола Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихининг йирик тадқиқотчиси М.Е.Массон қаламига мансуб бўлиб, у Туркистон шайх ул-мошойихи дея тан олинган зот — Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг Туркистон шаҳридаги мақбараси тарихи ҳақидадир.

Рисолани таниқли тарихчи олим Исмоил Ботиров илк мартаба ўзбек тилига ўгириб нашрга тайёрлаган. Таржима рисоланинг 1930 йилги Тошкент наشري асосида амалга оширилган.

Рисола тарихчи олимлар, олий ўқув юртлари тарих факультетида таълим олаётган талаба ёшлар ва, қолаверса, юртимиз, маданиятимиз тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Рус тилидан тарих фанлари номзоди, доцент
И.Ботиров таржимаси

ХЎЖА АҲМАД ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИ

Ўрта Осиёнинг маданийлашган ерларида туб аҳоли оқими қадим даврдан аста-секинлик билан шимол томонга қараб асосий йўллардан бири бўлган Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлаб кўчиб юрди. Кўчиб юрганлар орасида савдогар ва хунармандларга эргашиб ер эгалари ва миссионерлар¹, кўчманчилар келишиб, ўтроқ халқлар маданиятини эгаллай бошлайдилар.

Тасодифан танланган бозор учун вақтинчалик савдо майдонлари аста-секинлик билан бозорларга айланиб, XII асрда Шошдан чиққан савдо қарвонлари йўлидаги Сирдарёнинг ўнг қирғоғида қишлоқ ва шаҳарлар пайдо бўлади.

Ҳозирги Туркистон шаҳри ўрнида турган Ясси бу ерда фаолият кўрсатган сўфий Хўжа Аҳмад Яссавий номи билан боғланиб қолди². Унинг авлодлари асли ўша ерлик турклардан бўлиб, отасининг исми Иброҳим Маҳмуд ўғли, Маҳмуднинг отаси эса Ифтихор эди. Демак, Аҳмад Яссавийнинг ўша давр таомилига кўра тўлиқ исми Абу Латиф ибн Аҳмад Иброҳим ибн Маҳмуд ибн Ифтихордир.

Болалик чоғлариданоқ Аҳмад ўзининг зийраклиги, ақлу фаросати билан маҳаллий туркий шайхлардан Арслонбек диққатини тортган. Устозининг ўлиmidан сўнг Хўжа Аҳмад Бухорога равона бўлади ва у ерда машҳур шайх Юсуф Хўжа Ҳамаданонийдан сабоқ олиб, «ҳақиқатни билиш йўли» (тариқат)ни тарғиб этишга рухсат

¹ Миссионер — ерли халқни христиан динига ўтишга тарғиб этиш учун ўзга юртларга юборилган шахс.

² Туркистоннинг ҳозирги номи XVI асрдан бошлаб истеъмолга кирди. У Муғулларга қадар бўлган даврга оид тарихий манбаларда учрамайди. Фақат X асрдан бошлаб бу жойда, араб сайёхларининг тахминига кўра, Шавгар номли шаҳар бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, ўтказилган археологик тадқиқотларга кўра, бу ерда XII асрдан бошлаб шаҳар типидagi манзилгоҳ бўлганлиги аниқланган. Маҳаллий ривоятларга кўра, Ясси Утрордан унга узоқ бўлмаган Туркистоннинг жанубий шарқидаги харобалар ўрнида жойлашган.

берувчи иршод¹ - рухсатномага эга бўлади. Бир оз ўтиб бу тариқат Нақшбандия номи билан машхур бўлади. Хўжа Аҳмад бирмунча вақт Бухоро сўфийлар жамоасини бошқариб туради. Сўнгра Бухородан Яссига қайтади. Бу ерда тариқат ишларини олиб бориш учун кенг фаолият майдони бор эди.

Ундаги маънавий салоҳият ундан маслаҳат ва нажот истаганларни ўзига тортар эди. У ўзининг оддий, содда, халққа яқин тили ва шахсий ҳаётидаги ибрати билан кишиларни, худди сўфийлик тариқати талаб қилганидек, ўзаро тотувлик, аҳиллик ва бир-бирларига яхшилик қилишга чақирди. Шу сабабли, унинг издошлари ва муридлари тобора кўпайиб борди.

Атрофдаги барча туркий қабилалар уни ўзларининг пири сифатида тан олиб, «ота» деб атай бошладилар.

Бу даврда Урта Осиё шарқдан мусулмон бўлмаган халқлар - хитойлар (қора хитойлар) босқинини ўз бошидан кечирмоқда эди. Босқинчилар Чу дарёси водийсида ўрнашиб олиб, 1137 йилда Хўжанд яқинида Самарқанд хони Маҳмудга, 1141 йилда эса Самарқанднинг шимолий томонида жойлашган Қатвон даштида салжуқийлар султони Санжар ва самарқандликларнинг бирлашган кўшинига қақшатгич зарба берадилар. Бу зарбалар оқибатида Қорахитойликлар томонидан барпо этилган давлатда ислом дини ўзининг ҳукмронлик ролини йўқотиб, бошқа динлар билан бир хил мавқега эга бўлиб қолиши мумкин эди.

Балки, худди мана шу жиҳатдан Хўжа Аҳмаднинг диний эркинлик ҳақидаги таълимоти унга катта шуҳрат келтириб, исломга янги минглаб маслакдошларни етаклаб келди.

562 ҳижрий (1166-67 мил.) йилда - ушбу таълимот тариқатининг бешинчи ўн йиллигида машхур турк шайхининг вафоти унинг шуҳрати ва обрўсига заррача бўлсада, зарар етказмади. Унинг қабрига ҳар томондан минглаб зиёратчилар оқиб кела бошлади.

¹ Хўжа Аҳмаднинг келиб чиқиши тўғрисида турли хил ривоятлар бўлиб, ана шулардан бири, гўёки у Фотима уруғига мансуб, деб талқин қилинади. Унга кўра, Хўжа Аҳмаднинг 11-авлоди муқаддас Исҳоқ бобо бўлиб ҳисобланади. Хўжа Аҳмад дастлаб Сайрам шаҳрида яшаган. Ушбу шаҳарда ҳозирги кунга қадар отаси Иброҳим отанинг, онаси Қорасоч момонинг ва икки ўғли - Латиф ота ва Мустафокул оталарнинг қабри мавжудлиги бу тахминни тасдиқлайди. 1896 йилгача Туркистон шаҳрида Хўжа Аҳмад мақбарасидан унча узоқ бўлмаган жойда унинг қизлари Жамолхоним ва Гавҳар Хуштож қабрлари жойлашган бўлган. Тошкентдаги ҳарбий касалхона яқинидаги қабристонда ҳам унинг ўғлиниш' қабри бор, деб тахмин қилинади.

Туркий халқлар ўртасида туркий тилда ёзилган Хўжа Аҳмад муаллифлигидаги «Хикматлар» шеърӣ тўплами ўта машҳур бўлиб кетди.

Шундай қилиб, Ясси шаҳридан бўлган Хўжа Аҳмад Ўрта Осиёдаги ўтроқ мусулмонлар ва кўчманчи туркий қабилаларнинг миллий рамзи ва фаҳрига айланиб кетди.

МАҚБАРАНИНГ ҚУРИЛИШ ТАРИХИ

Хўжа Аҳмаднинг камтарона зоҳидлик ҳаёти ва Оллоҳни ёқлаши, икки асрдан сўнг унинг қабри устига маҳобатли мақбара қурилишига олиб келди. Чунки, бу қабрга «Бахтли юлдуз эгаси» Амир Темурнинг ҳам назари тушган эди.

Бир неча марта ярим тобе сирдарёлик кўчманчи қабилалар Амир Темур кўшини ичкарасига ва ҳатто давлат «юраги» бўлмиш пойтахт Самарқандга хавф солиб, буюк саркарда бошлаган стратегик мақсадларни амалга ошишига тўсқинлик қилиб турар эди. Амир ниҳоятда ўткир сиёсатчи эди. У кўчманчиларнинг миллий муқаддас қадамжоларига алоҳида эътибор билан қараш орқали исломга итоат этувчи халқларнинг гоъвий бирлигини исботлашга киришди. Бунинг учун эса давлатининг бир чеккасида - XIV аср охири Ўрта Осиё меъморчилигининг классик намуналаридан ҳисобланган маҳобатли мақбара иншоотини барпо этилишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Амир Темурнинг расмий тарихи ҳисобланмиш «Зафарнома»да Аҳмад Яссавий мақбараси биносининг қурилиш тарихи 799 хижрий ёки 1397 милодий йил сентябрда тугалланганлиги қайд этилади. Бу пайтда Самарқанд атрофида боғи Дилхуш (қалбни хушнуд этувчи) қурилиши билан боғлиқ ишлар поёнига етган бўлиб, у ерда мўғул хони Хизр Хўжахоннинг Гўзалхоним исмли қизини Амир соҳибқирон тарафидан янги малика сифатида кутиб олиниши режалаштирилмоқда эди. Темурбекнинг ўзи унга қарши чиқди. Ҳарбий соқчилар кўшини қишламоқ учун Чиноз яқинидаги Оҳангаронда тўхтади. Соҳибқирон ўзининг бўлажак маликасини кута туриб, орада Ясси шаҳрига бориб, Хўжа Аҳмад Яссавий қабрига зиёратни тантанали равишда амалга оширди. Зиёратни бажариб, Соҳибқирон қабр атрофида яшовчи тақводорларни совғалар

билан сийлади ва Чинозга қайтиб, Гўзалхоним яқинлашиб келаётганидан хабар топди. Кўп ўтмасдан рўй берган воқеалар ривожини Темурбекни анча чалғитиб, бошқа бирон марта ҳам Яссида бўлишига йўл қўймайди.

1405 йилнинг февралида Соҳибқирон Сирдарё бўйи қирғоқларига ташриф буюрганида, Хўжа Аҳмад қабридан жануб томонга қараб атиги 50 чақирим узоқликда жойлашган Ўтрор шаҳрида уни ўлим кутиб олди.

«Зафарнома»да ёзилишича, айнан Темурбекнинг Ясси шаҳрида бўлган чоғида унинг туркий шайх қабри устида мақбара қуриш ҳақидаги Фармони олийи берилган.

Эълон қилинган Фармони олийда Соҳибқироннинг хоҳиш иродасига кўра бўлажак мақбаранинг умумий тарҳи, бинонинг асосий ўлчамлари ва ҳаттоки баъзи бир нақшинкор безак кўринишлари ва бино ҳовлисининг ички кўриниши чизмалар ёрдамида аниқ акс эттирилган эди.

Бино устидаги бош гумбазнинг диаметри 41 газга¹ тенг бўлиб, мақбаранинг қолган барча бино мутаносиблиги унга мослашиши лозим эди.

Мақбаранинг олдинги қисмида икки минорали баланд аркали портал қурилиши кўзда тутилган эди. Унинг орқасида эса томонлари 30 газдан келадиган гумбазсимон квадрат шаклдаги бино бўлиб, ҳатто эшикларининг илгаклари ҳам етти хил метал қоришмасидан қўйилган бўлиши ва бино хонаси ўртасида ҳовуз бўлиши керак эди. Сўнгра кейинги хонада ҳар бир томони 12 газ келадиган Табриздан келтирилган мрамар плиталардан кўтарилган гумбаз остида шайхнинг қабри туриши мўлжалланган. Қабр қўйилган хонанинг ўнг ва чап томонларида турли хил йиғинлар ўтказиш учун ҳар бирининг ўлчами 16,5x13,5 газ келадиган хоналар (чорсупалар) барпо этиш режалаштирилган эди. Бундан ташқари, зиёратга келувчилар учун ҳужралар, бошқа қўшимча хоналар қурилиши ҳам назарда тутилган эди. Ўша давр меъморчилигининг талабларига кўра бино гумбази ва деворлари кошинлар билан безатилиши лозим эди. Мавлоно Убайдулло Садрга юкланган вазифалар ана шулардан иборат эди.

Мақбаранинг турли қисмларидаги ва сақланиб қолган буюмлардаги ёзувларда мақбаранинг қурилишида қатнашган форс

¹ Газ - узунлик ўлчов бирлиги, 1 газ- 80 см га тенг.

усталарининг номлари сақланиб қолган. Мақбаранинг устки қисмидаги кошнларни шерозлик Хўжа Ҳасан исмли киши терган ва бажарилган иш санаси 800 ҳижрий йил бўлиб, унинг исми бино шимолий фасадидаги ташқи қисмда кўк рангли ғиштчалар билан ёзиб қўйилган.

Қабр устида турган кичик қовурғали гумбаз барабанининг олти бурчакли кошннида бошқа бир шерозлик уста Шамс Абдул Ваҳобнинг номи битилган бўлиб, ундаги ёзувга кўра уста бутун мақбарани бўлмаса-да, гўрхона қурилишининг асосий ижодкори бўлган.

Исфаҳонлик Тожиддин ўғли Изаддин иккита дарвоза бронза халқаларига кумуш қадаб безатган ва чироқ ҳамда шамларга мўлжалланган бир неча ажойиб бронзадан қилинган тагдонларни ясаган. Табризлик Сарвариддин ўғли уста Абдул Азиз томонидан эса улкан бронза қозон қўйилган.

Юқорида санаб ўтилган ва номи номаълумлигича қолган бошқа усталар ҳамда кўп сонли тажрибасиз ишчиларнинг ҳам биргаликдаги бажарган ишлари инобатга олинган тақдирда ҳам Темурбек тарихининг муаллифи Шарафуддиннинг¹ берган маълумотларига кўра Мавлоно Убайдулло Садр бошчилигидаги бино қурилишини икки йил давомида (баъзи қўлёзмаларга кўра бир йилда) тугаллашга эришилганлигига ишонмоқ қийин.

Ҳозирги кунга қадар мақбара бош портали қоматининг қора тусда қолиб кетиши қурилишнинг умуман тугалланмаганлигига далилдир.

Дарвоза илгакларидан бирида 797 ҳижрий (1394-1395 мил.) санасининг ёзиб қўйилганлиги мақбара қурилиши 1397 йил кузида эмас, балки ундан бир неча йил олдинроқ бошланганлигини, Темурбек зиёратга келганида қурилиш ишлари айни авжида бўлганлигини кўрсатади. Ҳар ҳолда ушбу фикрни бевосита унинг буйруғи билан чироқлар ва шамлар учун мўлжалланган бронзадан қилинган олтита тагдон тасдиқлайди. Улар Темурбек кўрсатмаси асосида 799 ҳижрийнинг 20-рамазон куни ёки 1397 милодий 17 июнида ясаб тугалланганлиги ёзиб қўйилган.

¹ Мақбара қурилиши санасининг бошланишини белгилашда Шарафуддин хато қилган бўлиши мумкин (балки, фақат матнда етарли аниқлик бўлмаслиги ҳам мумкин). Чунки у ўз асарининг ёзилишини 872 ҳижрий йилида бошлаган бўлиб, бу пайтга келиб мақбара қурилиши билан солиштириганда орадан анча вақт ўтган эди.

Узоқ йиллар мобайнида Ўрта Осиё ҳукмронининг жиддий рақиби бўлиб келган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон Волгага қайта туриб зиёратчилар томонидан Хўжа Аҳмад мазоратига келтирилган барча қимматбаҳо буюмлар ва шайхнинг муридларига тегишли буюмларни олиб кетгани маҳаллий ривоятларда ҳикоя қилинади ва бу, хронологик жиҳатдан воқеалар жараёнига тўғри келади. Темурбек муқаддас жойларни оёқ ости қилгани учун Тўхтамишдан ўч олди ва олинган барча нарсаларни Яссига қайтарди. Татарлардан қўлга киритилган катта ўлжанинг асосий қисми «Темурбекнинг тушида аён бўлганига мувофиқ» мақбаранинг ёнида, яъни янги мақбара ва мадраса қурилиши учун ажратилди.

Аммо Амирнинг тўсатдан рўй берган ўлими мақбара қурилишининг тугалланишига халақит берди. Мадраса қурилиши эса бошланмасдан қолиб кетди.

Ривоят ана шундай ҳикоя қилади. Тарих эса Тўхтамиш 1387 йилдан бошлаб бир неча марта Ўрта Осиёга бостириб кирганини билади. Темурбекнинг ўзи у билан бир неча марта жанг майдонида тўқнашди ва фақат 1395 йилдаги ҳал қилувчи жангдан сўнг татар хонини унинг зафарли йўлидан четга чиқариб ташлади.

Худди ўша йили Олтин Ўрданинг ўт қўйилган пойтахти Сарой Темурбекка йирик ҳарбий ўлжани берди.

Воқеалар изчиллиги қандай бўлишидан қатъий назар, Хўжа Аҳмад мақбарасини бунёд этган қурувчи унинг узоқ йиллар туриши учун қайғурган.

Узун ўроғлик қоғоздан иборат вақфнома (ишонч ёрлиғи)да Ясси шаҳри атрофидаги мусодара қилинган суғориладиган ерлар ва ариқлардан олинган даромадлар Амирнинг васиятига кўра қатъий равишда тақсимланиши керак эди¹.

Вақф мулки бўйича бошқарув ишлари Хўжа Аҳмаднинг авлоди ҳисобланган иниси Мир Али Хўжа Шайхга юкланган бўлиб, у ўзининг ахлоқ-одоб фазилатлари жиҳатидан ушбу лавозимга муносиб эди. Барча даромадларнинг ўндан бир қисми шахсан унинг ўзига тегишли эди.

Ҳукмдор номига ибодатлар бажариш ва хатибнинг бошқа вазифалари Ҳазрат Дарвиш Алига юкланган бўлиб, шунингдек,

¹ Рус босқинчилиги даврида сақланиб қолган мазордан фойдаланиш тўғрисидаги вақфномага мувофиқ иккита ариқ муқаддас Аҳмаднинг мўъжизалари бўлиб, шайхларнинг гувоҳлигига кўра, у киши ҳиссасини ерга уриши билан ариқлар пайдо бўлган ва бу ердаги сувга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун пайдо бўлган булоқлар ариқларга сув бериб турган.

унинг лавозими фақат унинг авлодларига тегишли эканлиги васият қилинган эди.

Белгиланган Мозорга хизмат қилувчи ходимларга мувофиқ Қуръон сураларини ёддан ўқий оладиган иккита қори, сув келтирувчи, фаррош ва вақф қилинган боғда иккита боғбон вазифалари учун иш ўрни ажратилган эди.

Зикр қилувчи қорилар, камбағаллар, ногиронлар, етимлар ва дарвешлар учун нўхат нонлар, ҳафтада икки марта жума ва душанба кунлари эса ярим ботмон буғдой ва 2 ботмон гўштдан алоҳида таом - «ҳалим» тайёрланар эди.

Озиқ-овқат ва ёқилғи маҳсулотларига бўлган йиллик эҳтиёж белгиланган миқдорда берилар эди.

Юқорида кўрсатилган шахсларга ва бошқа эҳтиёжларга қилинган харажатлардан ортиб қолган маблағ қолдиқлари бино гўрхонасини сақлаш учун сарфланиши лозим эди.

Тантанавор сўзлар билан тугайдиган ишонч ёрлиғининг сўнгги жумлаларида вақф мулки эгасининг иродаси ҳал қилувчи кучга эга эканлиги эълон қилинган эди. Яъни у ерда «Агар кимда-ким ушбу вақфдаги белгиланган шартлар ва қоидаларни бузадиган бўлса, у Оллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг қарғишига учрасин, бундай одам Яратганнинг азобига абадий дучор бўлсин», дея ёзиб қўйилган эди.

МАҚБАРАНИНГ КЕЙИНГИ ТАРИХИ

Ўзбеклар эгаллаган ҳудудда жойлашган Ясси шаҳри устидан темурийлар XV аср охирида деярли ўз ҳукмронлигини йўқотган бўлса- да, бир ярим аср мобайнида вақфнома ўз дахлсизлигини сақлаб турди.

1451 йилда ўзбекларнинг иқтидорли саркардаси Абулхайрхоннинг кўмаги билан Самарқанд тахтини эгаллаган Темурбекнинг невараси Абу Саид ўзбекларни пойтахтга киритмасдан, уларнинг талон-тарожидан шаҳарни асраб қолди. Абулхайрхоннинг ёрдами эвазига эса Зарафшон водийсида бўлган даврида унинг қароргоҳига доимий равишда қимматбаҳо совғалар юбориб турилди. Абу Саид Абулхайрхонни даштга қиладиган юришидан олдин сарой амалдорлари ва руҳонийлар билан келишган ҳолда машҳур темурийзода - Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегимни йигирма ёшида унга келин



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3717> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3717> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3717>